

Маъруза

Мавзу -2:

**Инсон меҳнат фаолиятига
таъсир этувчи салбий
омиллар, уларнинг
турлари, моҳияти ва
қимояланиш усуллари.**

Маъруза режаси:

1. Инсон меҳнат фаолиятининг аҳамияти.
2. Инсон меҳнат фаолиятига салбий таъсир қилувчи омиллар.
3. Меҳнат фаолиятига салбий таъсир қилувчи омиллардан ҳимояланиш усуллари.


Инсон меҳнат фаолиятининг аҳамияти.

- Тўғри ташкил этилган меҳнат кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади.
- Жамиятда у нафақат моддий фаровонлик, балки одамнинг тетиклик манбаи ҳамдир.
- Бироқ меҳнатнинг ижобий таъсири билан бирга баъзи ҳолларда салбий оқибатлари ҳам бўлиши илгаридан кузатилган.
- Бу меҳнат фаолияти натижаларини камайтириб ва сифат жиҳатдан пасайтирибгина қолмай, балки касбга алоқадор касалликларни ҳам вужудга келтириши мумкин.

- Жамиятнинг тараққий қилиши билан бирга ҳозирга вақтда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда жуда кўплаб касблар юзага келди.
- Бирор касбни эгаллаш муайян кўникма ва билимлар орттиришни талаб этади.
- Меҳнатнинг хусусияти ёки ишлаб чиқариш шароити одамнинг иш қобилиятига ёки соғлигига салбий таъсир қила оладиган ҳоллар ишлаб чиқаришда касбга доир **зарарли омиллар** борлигидан далолат беради.

- Ишлаб чиқариш (касб) зарарлари иш қобилиятини пасайтиради, ўткир сурункали заҳарланишлар ва касалликлар пайдо қилади, умумий касалланишнинг ошишига, узоқ муддатга чўзиладиган бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлади.
- Касалланишнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш муҳитининг **физикавий, кимёвий, биологик омиллар** таъсири оқибатида бўлиши мумкин.

Меҳнат фаолиятига таъсир қилувчи салбий омилларнинг Кластерини тузинг.



- **Меҳнат гигиенасининг** асосий вазифаси иш унумдорлигини энг юқори даражада ошириш ва ишловчиларнинг соғлигига зарарли таъсир қилмайдиган шароитларни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.
- Бунда меҳнат гигиенаси ва юрак-томир, онкологик ва асаб касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.
- Фан ва техника тараққиёти меҳнат гигиенаси олдида янгидан-янги вазифалар қўймоқда.
- Теббранма ҳаракат, ультратовуш, электр ва магнит майдонлари, ионловчи радиация, лазер нурланишлари ва янги кимёвий моддаларнинг организмга таъсирини қунт билан ўрганиш зарурияти туғилди.

- Янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилинмасдан олдин, айтиқса уларни одам соғлигига зарарли таъсири ва белгиларини аниқлаш, чуқур ўрганиш муҳим.
- Саноат ва қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун йил сайин кўп миқдорда кимёвий моддалар синтез қилинади.
- Ишлаб чиқаришга жорий қилишдан аввал уларнинг одам организмга зарарли таъсирини ўрганиш ҳамда ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш лозим.
- Бирорта ҳам янги бирикма Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз халқ хўжалигида қўлланишга тавсия этилмайди.

- Гигиеник меъёрларни илмий асослашнинг катта аҳамияти бор. Бунда иш қобилиятини сақлаш ва ошириш учун қулай, ишловчиларнинг саломатлигига зарарли таъсирнинг олдини олиш имконини берадиган ташқи муҳит кўрсаткичларини ҳам аниқлаш лозим. Бу, аввало, яхши микроиклим шароитларини яратиш, иш жойларини мақбул равишда ёритиш ва бошқалардан иборат. Ишлаб чиқариш муҳити физик ва кимёвий омилларнинг зарари хусусида организм учун йўл қўйиладиган даража ва миқдорлар белгиланиши лозим.
- Санитария-гигиеник меъёрлар Меҳнат Кодекси асосида ташкил этилиб, ишлаб чиқариш илмий асосланган ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган илғор технологаяларга асослангандир. Юқори меҳнат унумдорлигига имкон берадиган шароитларни таъминлаш учун ускуналар ва жиҳозлар, бошқариш пултлари ва иш жойининг тузилиши, меҳнат ва дам олиш даврларининг давомлилига, иш қобилиягага таъсир қиладиган қатор бошқа омилларга бўлган талабларни физиологик жиҳатдан асослаш зарур.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг асосий йўналишлари қуйида келтирилган:

1. *Гигиеник йўналишда:*

- саломатлик ва иш қобилиятига таъсир қиладиган ишлаб чиқариш муҳити омилларини меъёрлаш;
- ишлаб чиқариш муҳитидаги зарарли омилларни камайтириш ва йўқотиш йўли билан меҳнат шароитларини соғломлаштириш.

2. *Физиологик йўналишда:*

- иш жойи, асбоблар, машина ва хиҳозларни физиологик талабларга мувофиқ ҳолда бўлишига эришиш;
- меҳнат ва дам олиш режимларини жорий этиш;
- меҳнатнинг жисмоний оғирлигини камайтириш, физиологик жиҳатдан етарлича ҳаракат фаоллигини таъминлаш;
- меҳнатнинг ақлий ва эмоционал толиқдиришини камайтириш.

3. *Психологик йўналиш:*

- машина ва механизмлар тизимларини бошқариш учун бошқа воситалар ихтиро қилишда руҳий талабларни ҳисобга олиш (муҳандислик руҳияти);
- касб танлашда ва касбий талабларга мувофиқ ҳолда шахснинг руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- жамоаларда қулай руҳий кайфият яратиш, ишловчиларнинг меҳнатдан ва унинг натижаларидан юқори манфаатдор бўлишларини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

4. *Эстетик йўналиш:*

- интерерларни безатишга, ускуналарни жойлаштиришда, ранглар билан безатишда ва бошқаларда ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига риоя қилиш;
- техникавий эстетика талабларини бажариш, машиналар, асбоблар, жиҳозлар, пультлар сингари бошқарув воситаларини бадиий ихтиро қилиш.

Психологик юкланишни камайтириш

- назорат тизимларини автоматлаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг устиворлигини ошириш (стабиллаштириш);
- иш хавфсизлигини таъминлаш;
- жиҳозларнинг ишончли ишлашини таъминлаш;
- маълумотлар ҳажмини меъёрий даражагача камайтириш;
- назорат ва созлашнинг қўлай (рационал) тизимларини ташкил қилиш;
- назорат ва созлаш тизимларини марказлаштириш.

Шинам иш муҳитини таъминлаш

- қулай микроклим шароитини яратиш;
- қулай ёритилганликни таъминлаш;
- шовқин ва титрашга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш интерьерини яхшилаш.

Ишнинг қулайлигини таъминлаш

- қулай бўлган ускуналарни яратиш ва ишлатиш;
- қулай мебелларни яратиш ва ишлатиш;
- қулай асбобларни яратиш ва ишлатиш;
- қулай махсус кийимларни яратиш ва қўллаш;
- ускуналарнинг конструктив кўринишини замонавийлаштириш;

Ишлаб чиқаришни рационал ташкил қилиш

- ускуналарни рационал жойлаштириш;
- иш зоналарини тўғри ташкил қилиш;
- ташиш ва ўтиш ишларини камайтириш;
- ишлаш ва дам олишни тўғри ташкил қилиш;
- маиший хизмат кўрсатишни тўғри ташкил қилиш.

Кадрлар билан ишлаш

Бунга:

- касбий танлаш,
- техник йўриқнома,
- тажриба алмашиш,
- касбий ўқитиш,
- малака ошириш киради.


Физиологик юкланишларни камайтириш

- жараёнларни механизациялаш ва автоматизациялаш, ҳамда янги ускуналарни яратиш;
- иш ўрнини тўғри ташкил қилиш;
- иш зонасини тўғри таъминлаш;
- рационал ҳаракатларни танлаш;
- бошқариш қисмларини тўғри танлаш ва жойлаштириш;
- бошқаришни марказлаштириш.

Назорат саволлари

1. Инсон меҳнат фаолиятининг аҳамияти нимадан иборат?
2. Инсон меҳнат фаолиятига салбий таъсир қилувчи омиллар қандай юзага келади?
3. Салбий таъсир қилувчи омиллар қандай гуруҳлаш мумкин?
4. Меҳнат фаолиятига салбий таъсир қилувчи омиллардан ҳимояланиш усуллари.
5. Меҳнат фаолиятига салбий таъсир қилувчи омиллардан ҳимояланишнинг қанақа воситалари мавжуд?
6. Маълумотий мослашиш нима?
7. Маълумотларнинг акс эттирувчи восита(МАЭВ)лар ва сенсор мотор майдон нима?
8. Асосий эргономик вазифаларнинг синфланиши келтиринг.

Ҳимояланиш усуллари ва воситаларининг Кластерини тузинг.



Эътиборингиз учун раҳмат!